



“22” июн 2020у № 59

Статистика ишларини бажариш жараёнида фойдаланиладиган статистик таснифлагичлар тизимини ривожлантириш, шунингдек Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базаси асосида юридик шахслар ҳисобини юритиш ва идентификациялашни янада такомиллаштириш мақсадида, **БУЮРАМАН:**

1. Давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий-худудий тузилмалардаги ўзгаришлар юзасидан 2019-2020 йилларда қабул қилинган қарорларга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси (объектларни) белгилаш тизими 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси (объектларни) белгилаш тизими маъмурий-худудий тузилмаларни кодлаштириш схемаси ва юритиш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси (Д.Закиров) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорларидан келиб чикувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-худудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими идоравий статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МҲОБТ-2020) доимий равишда киритилиб борилишини ҳамда уларни Давлат статистика қўмитасининг барча даражадаги бўлинмаларига етказилишини таъминласин.

3. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқармалари бошликлари, худудий статистика бошқармалари раҳбарлари, жорий йилнинг август ойидан бошлаб, худудлар кесимидағи статистик ишланмаларни такомиллаштирилган МҲОБТ-2020 идоравий статистик таснифлагичи асосида тайёрланиши ва тақдим этилишини таъминласинлар.

4. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва интерактив давлат хизматлари бошқармаси (Ш.Одилов):

МХОБТ-2020 идоравий статистик таснифлагичини статистик маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий комплексларга жорий этилишини таъминласин;

МХОБТ-2020 идоравий статистик таснифлагичини автоматик равища юритилишини таъминловчи дастурий таъминотни жорий йил якунига қадар ишлаб чиқсин.

5. Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси (К.Бердиқулов):

уч ой муддатда, Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси (Д.Закиров) билан биргаликда, МХОБТ-2020 идоравий статистик таснифлагичининг V-VI даражаларини ташкил этувчи **Аҳоли пунктлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) номенклатурасини** (кейинги ўринларда **Номенклатура**) ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорларидан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар асосида Номенклатурани келгусида доимий равища янгилаб ва такомиллаштириб борилишини таъминласин.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ф.Бердибаев) мазкур буйруқни Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бўлинмаларига таниширилишини ҳамда куйи тизим органларига етказилишини таъминласин.

7. Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 28 февралдаги 21-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Раис ўринбосарлари Д.Холмуродов, М.Зиядуллаев, З.Зияев зиммасига юклатилсин.

Раис

Б. Бегалов